



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 5 " may

Қ-379 -сон

Termiz sh.

**Шеробод тумани Ўзбекистон массиви
худудидан "YANGIYER ANOR BOG'LARI"
МЧЖга "Анорзор" барпо этиш учун ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари бошчилигидаги Сурхондарё вилоятидаги ижтимоий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш чора-тадбирларини муҳокама қилиш юзасидан 2019 йил 16 июнь куни ўтказилган 7-сон йиғилиш баёнининг 33-банди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2020 йил 15 июндаги ҚҚ-78-IV-сон қарорининг 9-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.М.Ғаниев бошчилигида "Сурхондарё вилоятида ер ва сувдан фойдаланиш, экинларни тўғри жойлаштириш, кластерлар ва агрологистика ташкил этиш, озиқ-овқат лойиҳаларини амалга ошириш бўйича бажарилган ишлар ва амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида" 2020 йил 27 ноябрда ўтказилган йиғилиш баёнининг 5-бандига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 30 апрелдаги 05-02/350-сон йиғилиш баёни, Шеробод тумани ҳокимининг 2020 йил 19 апрелдаги 01-05/103-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Шеробод тумани Ўзбекистон массиви худудидан "YANGIYER ANOR BOG'LARI" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 199, 191, 202а ва 190қ-дала контурларидаги жами 20,80 гектар, шундан 15,60 гектар суғориладиган экин ер, 3,0 гектар бўз ер ва 2,20 гектар ариқ, зовурлар ва каналлар ер майдони "Анорзор" барпо этиш мақсадида (30 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий

назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов